

2-синфларнинг математика дарсларида 100 ичидаги сонларни кушиш ва айришда интеллектуал уйинларни уюштириб утказишнинг методикаси

Бошлангич синфларда укувчиларга математик материалларни таклиф килишда ёки кандайдир бир куникмани шакллантиришда уйин вазиятини тузиб ёки уйин формасидаги машқларни бериш яхши натижа беради. Лекин бунда болаларнинг ёш узгачаликларини хисобга олиш катта аҳамиятга эга. Укув фаолияти кичик ёшдаги укувчилар хаётида асосий хисобланади, лекин ягона эмас. Уйин фаолияти ҳам кичик ёшдаги укувчилар хаётида асосий рол уйнайди. Уйин фаолиятининг узгачалиги шундаки, унда укув фаолияти тез узлаштирилади. Уйин оркали укувчиларда хулк-атвори узгаради, фикрлаш қобилиятлари ривожланади, укувчилар узларини баҳолай оладилар, синфда ва коллективда дустона муносабатлари мустаҳкамланади, тассавурлари ривожланади.

Математика предметидан уюштирилувчи интеллектуал уйинлар, укувчиларнинг интеллектуал ривожланишини кенгайтиради. Интеллектуал уйинларда берилувчи машқлар куп кирралидир. Биринчидан, улар ёрдамида укувчиларнинг интеллектуал ривожланиши стимуллаштирилади, иккинчидан, интеллектуал ривожланишлари шаклланади, яъни укувчиларда диққат, хотира, фикрлаш қобилиятлари, қузатувчанлиги, нутқи ва бошқалар ривожланади. Шунинг билан бирга укувчилар хар бир топширикни бажараётиб бир канча ақлий операцияларни (масалан: киёслаш, группалаш, умумлаштириш, узаромуомала) бажарадилар. Интеллектуал уйинда берилувчи хар бир топшириклар укувчиларнинг интеллектуал сифатларини ривожланишига йуналтирилган булади. Интеллектуал машқларни бажаришда укувчиларни математикага булган кизикишлари ортади, топширикни бажаришда укувчилар бора-бора ижобий натижаларга эришадилар, укувчилар дарсга фаол катнашадилар, тугри, манткиий, исботий нутқлари шаклланади.

Интеллектуал уйинлар тажрибани узатишдан иборат булиб, у амалий жихатдан турли хил вазиятлардаги хулк-атвор коидалари оркали укувчиларда ахлокий ва иш фаолиятларини амалга ошириш воситаларини узлаштирилишини таъминлайди. Интеллектуал уйин методларининг асосий максоди - тингловчиларни фақат тинглаши билан эмас, балки билимларини узлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш оркали таълим жараёнини самарадорлигини оширишга каратилган булади. Интеллектуал уйин хар хил муаммоларни хал этишдаги фаолиятларни тузиш учун энг кулай асос булиб хисобланади.

Интеллектуал уйин укувчини фанга булган кизикишини ортиради, олган билимларини янада мустаҳкамлашга, кенгайтиришга ёрдам беради, шунингдек укувчиларни манткиий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Интеллектуал уйин оркали укувчиларнинг шахслараро муомала малакаси шакллантирилади, олган билимларини амалиётда синаб қуришга имкон беради. Интеллектуал уйинни, иштирокчиларсиз, уйин харакатларисиз, уйин коидаларисиз, уйин жараёнисиз утказиб булмайди.

Интеллектуал уйин коидаси уйин компонентларига мувофик, унинг мазмунини ифодаловчи конундир. Интеллектуал уйин коидаси маданий, хаётдан олинган ёки махсус уйлаб топилган булиши ҳам мумкин. Интеллектуал уйинда мақсад ва узаро ҳамкорликни таъминлаш зарурдир. Шу боис уйиндан мақсад иштирокчиларнинг кизикишига караб фаркланади. Интеллектуал уйинда олиб борувчи, мулохазалашни, иштирокчиларни узаро тушуниб алоқага қиришини таъминловчи асосий фигура булиб хисобланади.

Муаммоли йуналтирилган интеллектуал уйинда муаммо ечимини топиш масаласи қуйилади. Топилган ечим уйинчиларни уйин фаолияти давомида топилади, қайта ишланади ва ечим қабул қилинади.

Иштирокчилар фаолияти уйин комплексидан стимул олади. Иштирокчилар уйин давомида вазиятни таҳлил қилишади. Бунинг учун уларга ҳеч қим ёрдам бермайди. Узларини бошқариш ва уюштиришлари оркали натижаларга эришадилар. Уйинчилар бошқа иштирокчилар ёрдамида уйин реакциясини олишади, мураккаб вазиятлар билан боглик уйин мақсадларига шахсий харакатлари оркали эришадилар ва хулосаларни узлари қабул қилишади.

2-синфда математикадан утказилувчи интеллектуал уйинлар хар бир чоракда камида икки марта утказилиши мақсадга мувофиқдир. 2-синфларда утказитлувчи интеллектуал уйинларнинг куйидаги турларини таклиф этамиз:

I чоракда - Заковат, Интеллектуал ринг

II чоракда – Сирли сандик, 7x7

III чоракда – Килни кирк ёриб, Уйла, изла топ

IV чоракда – Ким эпчилу, ким чаккон, Лабиринт

Шулардан айримларига батафсил тухталиб утсак.

Масалан: 7x7 уйинининг методикаси.

7x7 интеллектуал уйини 2-синфларда утилувчи 100 ичидаги сонларни кушиш ва айриш булими буйича утказилади.

7x7 интеллектуал уйини бир синфнинг узиде ёки 2-синфлар орасиде орасиде хам утказилиши мумкин. 7x7 интеллектуал уйиниде 2 команда (командалар таркибиде 7 кишидан иборат булиши керак) 7 шарт буйича беллашадилар. Хар бир шартда командаларнинг биттадан иштирокчилари беллашадилар. Шартлар укувчиларнинг прорграммага мувофик олган билимлари ва укувчиларнинг кизикишлари асосиде тузилган булади. Хар бир шарт командалар томонидан бажарилгандан кейин натижа айтиб утилади, охирги 7 шарт тугагандан кейин кайси команда голиб булганлиги хакамлар хайъати томонидан эълон килинади.

7x7 уйинини бошловчи олиб боради, хакамлар хайъати сайланади.

Уйиннинг бориши.

I шарт.

1 команда

2 команда

1 метр - ? см

100км - ? центнер

1 сум - ? тийин

100 сотик - ? гектар

1 аср - ? йил

100 йил - ? аср

1 гектар - ? сотик

100 тийин - ? сум

1 центнер - ? км

100см - ?метр

II шарт Йигиндини йигиндиге куш.

Бунинг учун 9 ток сон (1,3,5,7,9,11,13,15,17) лари алохиде когозларга ёзилиб, тунтариб куйилади. Сунг чек ташланиб командаларнинг 2чи иштирокчилари сон очади. Очилган сон неча булса, яна худди шу сонни унинг устига кушиши, кейин йигинди неча чикса, унинг устига тагин худди уша сонни кушиши талаб этилади.

М: очилган сон 3 булсин, иштирокчилар бир оз уйлаб олиши мумкин, кейин эса уйин уйлаб утирмасдан давом эттирилади:

- 3
- 3+3
- 6
- 6+6
- 12
- 12+12
- 24
- 24+24
- 48
- 48+48
- Билмайман

Билмаган команда иштирокчиси енгилган хисобланади.

III шарт Командаларнинг 3чи иштирокчиларига саволлар берилади.

1. Киркта икки уттизта учдан неча кам?

2. 40ни икки ярим марта орттириб сунг 60 ни айирса неча колади?

3. Кирк кулочли арконнинг тенг уч жойидан кесилса, хар булагининг узунлиги канча булади?
4. Кирк кун неча ой? Неча хафта?
5. Киркта кулда нета бармок бор?
6. ун,йигирма,уттиз йигиндисига 40 кушилса неча булади?
7. 8 та 5 минг йигиндисидан 40 ни айирса нечта колади?
8. 40 ёшли кишининг угли ва набираси бор. Уларнинг хар бири узидан каттасидан кура 19 ёш кичик булса, бобо набирадан неча ёш катта булади?
9. Кайси туртта сонларни кетма-кет кушиб 40 хосил килиш мумкин?
10. Кайси туртта сонларни кетма-кет айриб 40 хосил килиш мумкин?

IV шарт X ни урнидаги номаълум сонни топинг.

$$X + 25 = 60$$


$$X + 35 = 50$$

$$X - 25 = 60$$

$$X - 35 = 50$$

V шарт

Укувчиларга фигура берилди. Берилган фигурадан нечта квадрат хосил килиш мумкин. Квадратларни алохида-алохида килиб чегаралаб беришлари керак.



VI шарт Масал

1. Омборда 5та бочкада бензин бор, хар бир бочкада 6 тоннадан, 2та бочкадан автопарк учун бензин олинди. Омборда нечта бочка колди?
2. 1кг гуштни пишириш учун 1 соат кетади, 0,5кг гуштни пишириш учун канча вакт кетади?

VII шарт Саволларни урнига сонларни топиб куйинг.

$$? + ? = 70$$

$$? + ? = 65$$

$$? - ? = 45$$

$$? - ? = 55$$

$$? + ? = 85$$

$$? - ? = 35$$

Уйиннинг охирида хакамлар хайъати голиб командани эълон килади. Голиб команда совгалар билан тақдирланади.

Хулоса килиб айтганда бошлангич синфларнинг математика дарсларида интеллектуал уйинларни утказиш яхши натижа беради. Интеллектуал уйин оркали укувчилар уз билимларини синаб курадилар, мустакил харакат килишга урганиб борадилар, олган билимларини амалда синаб курадилар.

Фойдаланилган адабитётлар

1. Башталгъч класстардын программалары. Б., 2000ж.
2. Б.Омонов Юз билан юзма-юз. Т.,1995
3. Математика 2-класс.
4. Журналы Начальная школа 2003.